



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 139 (11.700)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июль куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Жеймс Стайнбергни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, шерпик ва ўзаро англашув руҳига мос иккى томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва ижобий динамикасига эътибор қаратди.

Бугунги кунда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўллаб соҳалар ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг устувор йўналишлари этиб белгиланган. Яқинда Вашингтон шаҳрида мамлакатимиз сармоявий имкониятларидан, узок муддатли бизнес-лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишдан, шунингдек, юртимизда муваффакиятли амала оширилаётган "Навоий" эркин индустрисал-иқтисодий зонасини ривожлантиришдан

манбаатдор бўлган АҚШнинг етак-ишибилармодорлари иштирокидаги ўтказилган давра сұхбати натижалари ҳам буни яна бир бор тасдиклади.

Иккى давлат ҳам Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, трансмиллий хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши курашиб бўйича биргаликдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиши масалаларида ҳамкорлик қилиб келмокда. Мехмоннинг фикрича, бу борада Афғонистондаги вазиятини ноҳарбий воситалар билан барқарорлаштириш, шунингдек, кўши мамилакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашга доир ўзбекистон Республикаси ташабbusлари алоҳида аҳамиятни таъминлашади.

Ятакбаз этади. Афғонистонга юртимиз ҳудуди орқали белгиланган ҳажамда ноҳарбий ва инсонпарварлик юклари етказиб берилмоқда. Ўзбекистон, шунингдек, жанубий кўши мамилакатни электр энергияси, курилиш материаллари ва озиқовқат махсулотлари билан таъминлашада амалий ёрдам кўрсатмоқда, унинг транспорт инфраструктурасини барпо этишда қатнашапти.

Оқсаройдаги учрашувда Жеймс Стайнберг Президент Ислом Каримовга қабул учун савмими миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ келгисида ҳам Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаш саҳифасига ўзбекистон раҳбари янининг оқилона ва чукур ўйланган аҳамиятини яна бир бор алоҳида таъвидлади.


Сұхбат чоғида иккى томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни кизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмасилди.

(ЎЗА)



Давр талабидан келиб чиқсан ҳолда изланиш, шу асосда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириб, рақобатбардошлигини ошириш корхона нуфузи кўтарилишида, бозорда ўз ўринини эгаллашида зарур омиллардан саналади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кичик бизнес

ДАВР ТАЛАБИГА МОС

Замонавий либослар, буюртма асосида маҳсус иш кийимлари тайёрланадиган «Irodat» тасмасида ишлаб чиқариладиган «Irodat teks» маъсултияни чекланган жамиятида шу омиллар асос қўлинганди, бу маҳсулот сифатида, иш суръатида ва ишлаб чиқариш самародорлигига яққол кўриниб турибди.

«Irodat» савдо белгиси билан тикилаётган кийим-кечаклар тури деярли мингдан ортиқ. Улар орасида костюмдан тортиб шимгача, куртка, тиббиёт ҳалатлари, кўлқопу шапкалар, кўйингки, буюртмачининг талаб ва тақлифи инватага олинган ҳолда барча турдаги қулай ҳамда зарур кийим-кечак ва кераки ашёлар тикилади. Маҳсулотлар ўзига хос дизайни билан ажralib туради. Буларнинг барси корхонанинг 10 йилдан зиёд фаoliyati давомидаги изланишлари, янгиликларни вактида илгashi натижасидир.

Корхона директори Бахтиёр Хўжаевнинг таъвидлашича, аввало улар бичув, тикув, дазмос босиши цехларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашга эътибор қаратган. Бунинг устига тикувчилаш махорати ҳам кўшилмоқда, бу сифатда аҳамиятни таъминлашади.

Барча имкониятлар ишга солинган ҳолда корхонада айни пайтда хорижий буюртмачиларни жалб этиш ва экспорти ўйла кўйин борасида саъи-харракат бошлаб юборилган. Ҳозирда Россиядан буюртмалар тушмоқда. Мақсад хорижий буюртмаларни ҳам сифатида бажариб, чет эллик харидорлар сафифи ошириш, шу тартифа мамлакатимиз иқтисодий тиқлашга муносиб ҳисса кўшишади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона менежери Азиза Йўлдошева
Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар
хокимигиниң Ахборот
хизмати ва ўз мухобилимиз
хабарларидан.

СЕРГЕЛИ тумани

ҳокимлиги ташабbusи билан 70 нафар кам таъминланган оиласлар фарзандининг суннат тўйлари ҳамда саккиз нафар келин-куёвнинг никоҳ маросимлари ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар

академияси хузуридаги ёш олимлар кенгашида КЕЧА илм-фар ривожи йўйда изланаётган ўшларнинг янги тадқикотлари муҳокамасига бағишинланган анжуман бўлиб ўтди.

КЕЧА Ўзбекистон фут-

бол федерацияси томонидан XIX жаҳон чемпионатида ҳакам сифатида иштирок этган Равшан Эрматов ва Рафаэл Илёсов билан учрашув ўюштирилди.

КЕЧА «Шайхонтохур»

маҳалласида ўсмир-ёшлар иштирокида ўтказилган спорт мусобакалари «Камолот» ЕИХ туман бўлими томонидан ташкил этилди.

XXI садоси
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН

ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Осиё Тараккӣёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Мингақавий автомобиль йўлларни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Фузор туманида замонавий асфальт-бетон заводи барпо этилди. Соатига 160 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган бу юқори технологик курилиш ёрдамида тез орада худуддаги мамлакат ва халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари курилиши ҳамда реконструкцияси учун сифатли асфальт-бетон тайёрлаш йўлга кўйилади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг кенгатирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика хўжалик судлари томонидан 2010 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

• Жиззах шаҳрида нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мехржон» номли янги корхона очилди. У БМТ Тараккӣёт дастурининг грант маблағлари ҳисобига ёшларнинг «Истиқболли авлод» ахборот-маърифий марказининг аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш лойиҳаси асосида фойдаланишга топширилди. Корхонада 16 нафар аёл ишга қабул қилинган бўлиб, унинг иккинчи навбатининг ишга туширилиши билан кўшимча яна 14 та иш ўрнлари ташкил этилди.

• Тадбиркор Маҳам Қаршиев Қизириқ туманидаги замонавий гузарнинг курилишига 140 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади. Бу ерда маҳаллий аҳоли учун 20 та янги иш ўрни яратилди. Гузар бир вақтнинг ўзида 500 кишига хизмат кўрсатиши мумкин.

• Жиззах вилояти Арнасой туманида тадбиркор Ортиқ Пардаев ташабbusи билан пишик гишт ишлаб чиқарадиган «Афросиёб-Турк-Арнасой» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон—Корея қўшма корхонаси ишга туширилди. Ҳозирда Жанубий Корея технологияси асосида корхонанинг замонавий хумонларида бир йўла 18 минг дона хом гишт пишириляпти.

• Янгиер шаҳрида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ёшлар ва қасбхунар коллежлари битирувчилари учун «Бўш иш ўрнлари ярмаркаси» ўтказилди. Тадбир давомида 78 нафар йигитизиши ишли бўлди, 85 нафар ёшга эса шу ўналишда маслаҳатлар берилди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Кобул шаҳрида 70 дан ортиқ давлатлар вакиллари иштироқида Афғонистон бўйича ҳалқаро конференция бошланди. Унда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, коррупцияга қарши кураш каби масалалар муҳокама қилинмоқда.

• Венада бўлиб ўтётган СПИД касаллиги тарқалишининг олдини олиш муаммоларига бағишинланган ҳалқаро конференция асосан ушбу хасталука кашри курашни молиялашириш масалалари муҳокама этилмоқда. Анжуманда сўзга чиқсан СПИДга қарши кураш жамғармаси раҳҳарни, Американинг собиқ президенти Билл Клинтон ҳамда «Майкрософт» компанияси президенти Билл Гейтслар ажратилаётган йирик маблағлардан унумли фойдаланиши йўлга кўйиш лозимлигини таъкидлашди.

• Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Сильва мамлакат парламентига ота-оналарнинг болаларини уришини тақиқловчи конун лойиҳасини киритди.

• АҚШдаги Бутунжоҳон савдо маркази худудида амалга оширилаётган тозалаш ишлари давомида археологлар қадимги кеманинг 10 метрли корпусини топдилар. У олти метрдан тўқиз метрғача бўлган чуқурликдан топилган тўклиб, кеманинг Манхэттэн ороли майдонини кенгатириш мақсадида XVIII асрда ерга кўмилганлиги таҳмин килинмоқда.

• Саудия Арабистони подшоҳлиги Маслаҳат кенгаси янги конун қабул қилди. Унга кўра Саудия Арабистони фуқаросига турмушга чиқиши ёки хорижликка уйланиши тақиқланади. Факат айрим лавозимдор шахсларгина бундай тақиқловдан истисно қилинди. Кимки бу тартибни бузса 100 минг реал (27 минг АҚШ доллари) микдорида жаримага тортилади ва банқдан кредит олиш имкониятидан маҳрум қилинади.

«ФАРМЕД САНОАТ»НИНГ САЛМОҚЛИ ОДИМЛАРИ

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, мустақилликдан олдин юртимиз фармацевтика бозоридаги маҳсулотларнинг атиги икки фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фан ва техника тараққиётiga кенг йўл очилгач, ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксиз такомиллаштирилиб, инновацион технологияларнинг амалиётга жалб этилаётгани миллий фармацевтика саноатимиз тараққиётida мухим омил бўлмоқда.

Бугун юртимизда дори-дармон ишлаб чиқарувчи юздан зиёд мусасаса фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилётган 32 номдаги дори воситалари мамлакатимиз олимлари меҳнатининг маҳсулодир.

Бу йўналишда салмоқли ишларни амалга ошираётган фармацевтика корхоналаридан бири – «Фармед саноат» 2003 йилда хусусий корхона сифатида мустакил фаолият юрита бошлади.

Дастлаб корхона томонидан атиги 5 номдаги дори-дармон ишлаб чиқарилар эди. Хорижий инвестиция маблагларини жалб этиши, ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш натижасида унинг таркибида таблетка шаклидаги дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи фармацевтика заводи иш бошлади. Босқичма-босқич халқаро фармацевтика стандартлари талабларига жавоб берадиган техника воситалари билан жиҳозланган корхона ҳозирги кунда 60 номда дори-дармон ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, буюртмаларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида корхонада буюртмаларни телефон орқали қабул қилиш ва зудлик билан етказиш йўлга кўйилган. Шунингдек, пойтахтимиздаги дори-дармонларга сертификатланган шифо воситаларини тўғридан-тўғри етказиш тизи-

ми шакллантирилди.

Корхона жамоаси ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш билан бирга тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни ҳётга татбиқ этишида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу йўналишда ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда тиббиётнинг долгзарб масалаларига бағишиланган анжуманлар ташкил килинаётган. Пойтахтимизда ва Андикон шахрида ўтказилган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни асрарга оид тадбирлар шулар жумласидандир.

Жаҳон молиявий-иктисодий инкоризи фармацевтика саноати ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатиётган бир пайтда Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқарилган Инкоризга карши чоралар дастури юртимиздаги барча корхоналар билан бирга фармацевтика тармоғи ишлаб чиқарувчilari фаолиятини ҳам кўллаб-куватлашда ўз самарасини берәтири. Яратилган кулайликлардан оқилона фойдаланаётган корхона жамоаси ишлаб чиқариш жараёнларини ошириш ўйлида муттасил изланиши олиб борилаётir. «Фармед саноат» корхонасида бу йўналишда бажарилётган кенг кўлами тадбирлар натижасида, ISO-9001 халқаро менежмент сифат стандартлари ва GMP-EU Европа стандартлари татбиқ этилиб, дори-дармонлар ушбу андозаларга жавоб берадиган стандартлар асосида ишлаб чиқарilmоқда.

«Фармед саноат»нинг бу борадаги самарали фаолияти хорижлик эксперtlar томонидан ҳам этироф этилмоқда. АҚШ ва Европа мамлакатларida бўлиб ўтанишадиги дархона ва шифохоналарга сертификатланган шифо воситаларини тўғридан-тўғри етказиш тизи-

ётган танловларда корхона маҳсулотлари кўлга киритаётган ютуклар бунинг далилидир.

Париж ва Нью-Йоркда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда «Фармед саноат» учта халқаро «Сифат юлдузи» нишони билан тақдирланди. Брюсселда бўлиб ўтган танловда корхона менежмент, сервис технологиялари ва инвестициялари жалб этиши бўйича Европа бизнеси талабларига мос, деб тан олиниб, «Евромаркет-99» мукофотига лойик кўрилди.

Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрда қабул килинган «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарни модернизация қилиш, техникавий ва технология кайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» ги қарори бундай ютукларни янада ривожланишиша ўртимиз ишлаб чиқарувchilari фаолиятини такомиллаштиришга кенг йўл очмоқда.

Тармоқ корхоналарида иш жараёнини замонавийлаштириш, маҳсулот сифати ва мидорини ошириш ўйлида муттасил изланиши олиб борилаётir. «Фармед саноат» корхонасида бу йўналишда бажарилётган кенг кўлами тадбирлар натижасида, ISO-9001 халқаро менежмент сифат стандартлари ва GMP-EU Европа стандартлари татбиқ этилиб, дори-дармонлар ушбу андозаларга жавоб берадиган стандартлар асосида ишлаб чиқарilmоқда.

Сергели туманига келган кишининг баҳри-дили очилиб, кўнгли қувончга тўлиши, шубҳасиз. Чунки туманда амалга оширилаётган катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ораста, кенг, равон кўчалёр, осмонга бўйчўзган ҳашаматли, замонга ҳамоҳанг бинолар, осмонўпар кўприклар, жаҳон андозалари даражасида қад ростлаган касб-ҳунар коллежлари, академик лицей, мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва кўркам маҳалла гузарлари мисолида кўз ўнгидан намоён бўлади, йўллар чети ва майдонларда қулф уриб турган гўзал, ранг-баранг, чамандек яшнаб турган атиргулу гулсафарлар ифоридан роҳат олади.

Туманларда

ЯНА БИР КОШОНА ҚАД РОСТАДИ

Мана шу гўзалликлар каторига яқинда яна бир миллий кошона кўшилди. Тошкент ва Кўйон миллий хунармандчилиги аньяналарини ўзида мужассам этган ушбу кўркам ва муҳташам кошонага ҳар қандай юксак дид эга-сининг ҳам хавас билан бокишига шубҳа йўқ. Ёғоч ўймакорлиги, миниатюралар, қабариқ нақш ва расмлар бинога миллийлик бахш этитири.

– Бежиз ота-боболаримиз инсоннинг кўли гул демаган, – дейди «Гузар сервис» масъулиятчи чекланган жамияти раҳбари Музаффар Турғунов. – Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бундай иншоотлар барпо этилиши, албатта, тадбиркорларга, хунари гўзалларга бериладиган катта ўтибор ва имтиёзлар маҳсулидир. Атиги икки йил олдин бу ерлар бўй жой эди, устасларнинг заҳматли меҳнати, санъат йўналишидаги ўкув юртлари ўқитувчи ва талабалари саъй-ҳаракати ўлароқ ярим гектардан иборат

майдонда 24 та катта-кичик хоналардан иборат мана шундай кошона қад ростлади. Туман хокимлигининг кўллаб-куватлаши билан «Баҳт-диёр» маросимлар уйига ҳамоҳанг бўлган ушбу кошонада йилнинг исталгандан фаслида тўй, бошча маросимларни бемалол ўтказиш мумкин.

Эътиборлиси, шахримизнинг ёғобод ва ораста масканлари каторига кўшилган ушбу гўшада ҳовли ва ён-атрофида боф барпо этилиб, 30 мингтага якин гул, мингдан зиёд манзарали дарахт экилган. 7 минг квадрат метрли йўл текисланиб, асфальт қилинган, 200 та енгил машинага мўлжалланиб жой ҳам тайёрланган.

Дарҳақиқат, озод ва обод ўргата гўзаллик ва орасатлик ярашади. Шундай экан, кўзларни кувнатувчи мана шундай кошоналар кўплад қад ростласин ва яхши кунларимизга хизмат килсин.

Шахризода МУҲСИМОВА

худудидаги тегишли савдо корхоналари томонидан соғтувга чиқарилади.

Бундан ташкири, тегишли тартиби деярли йўқ, – дейди «Камолот» ЙИХ Марказий кенгаши матбуот хизмати раҳбари Камолиддин Бердиев. – «Баркамол авлод йили» давлат дастурига мувофиқ имл-фанни янада ривожланиши, иктидорли ва қобилиятли ёшларни иммий фаолиятга жалб этиш, уларни ҳар бир оила ҳаётга тараққиётга жарориётни ўзлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятидир.

– Ҳозирда компьютер, интернет, мобил алоқа воситалари етиб бормаган худудлар деярли йўқ, – дейди «Камолот» ЙИХ Марказий кенгаши матбуот хизмати раҳбари Камолиддин Бердиев. – «Баркамол авлод йили» давлат дастурига мувофиқ имл-фанни янада ривожланиши, иктидорли ва қобилиятли ёшларни иммий фаолиятга жалб этиш, уларни ҳар бир оила ҳаётга тараққиётни ўзлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятидир.

Иктидорли талабалардан иборат мазкур гурух ёзги таътил даврида чекка-чекка худудларда истиқомат қилаётган аҳолини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан яқиндан танишириш, улардан амалий фойдаланиш кўнікмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўкув курслари ташкил этмоқда. Семинар-тренинглар доирасида ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўнікмаларини шакллантиришда интерфаол усувлар кенг жорий қилинган.

Иқтисодиёт

ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТЛАР

Талаб даражасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни бозори ҳар доим чаққон бўлади.

«Paferti» масъулияти чекланган жамияти ана шундай сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариши йўлга қўйган корхона ҳисобланади. Замонавий технологиялар асосида тайёрланётган кетчуп, майонез, горчица, сирка – 40 хилдан зиёд маҳсулотлар харидор эътиборини тортадиган кўринишда қадокланмоқда.

Жамоада 14 нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, йил охиригача ишлаб чиқариши кенгайтириш кўзда тутилган бўлиб, яна 25 нафар йигит-қизга янги иш ўринлари яратилади.

Утган йилда корхонада яна битта цех ташкил этилиб, кўк ва қора чойларни қадоқлаш йўлга кўйилди. Умумий маҳсулот тайёрлаш ҳажми 140 миллион сўмни ташкил этди. Асосийси рақобатбардош маҳсулотларга кун сайин талаб ортиб бормоқда.

Жорий йилда корхонада ишлаб чиқариши хажмини 200 миллион сўмга етказиш ҳамда узум, олма сиркаларни ишлаб чиқариши йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Янги ижтимоий лойиҳалар

АКТНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Жамият ривожланишида ахборот-коммуникация технологиялари мухим омил ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимизда ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона, фирма ва компаниялар, иммий муассасалар замонавий технологияларни тезкорлик билан ҳаётга татбиқ қилиш билан шуғулланмоқда.

Мазкур йўналиш бўйича Тошкент ахборот технологиялари университети ва ўнлаб касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурида ҳам аҳолининг компютер саводхонлигини ошириш мумкин. Айни вақтда бу борада кўплад амалий ишлар килинди.

Тошкент ахборот технологиялари университети, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Келажак овози» ЁТМ ҳамкорлигида вилоят, шаҳар ва туманларда аҳоли учун компютер саводхонлигини оширишга қаратилган семинар-тренинглар талаба-ёшлар гурухларининг ташкил этилганлиги бунга ўнгидан мисолидир. Мазкур лойиҳа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, рақамила ве кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожланиши, уларни ҳар бир оила ҳаётга тараққиётни ўзлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятидир.

– Ҳозирда компютер, интернет, мобил алоқа воситалари етиб бормаган худудлар деярли йўқ, – дейди «Камолот» ЙИХ Марказий кенгаши матбуот хизмати раҳбари Камолиддин Бердиев. – «Баркамол авлод йили» давлат дастурига мувофиқ имл-фанни янада ривожланиши, иктидорли ва қобилиятли ёшларни иммий фаолиятга жалб этиш, уларни ҳар бир оила ҳаётга тараққиётни ўзлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятидир.

Иктидорли талабалардан иборат мазкур гурух ёзги таътил даврида чекка-чекка худудларда истиқомат қилаётган аҳолини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан яқиндан танишириш, улардан амалий фойдаланиш кўнікмаларини шакллантиришга йўналтирилган ўкув курслари ташкил этмоқда. Семинар-тренинглар доирасида ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўнікмаларини шакллантиришда интерфаол усувлар кенг жорий қилинган.

Маҳалланг ота-онанг


Жойларда тинчлик ва осойишталикини таъминлашда, жамоат тартибини сақлашда профилактика инспекторларининг ҳиссаси катта.

ФАРОВОНЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАЙЛИК



ли ўтказишига масъулмиз. Бу борада маҳалла оқсоколи Рағиб Атаметов, хотин-қизлар комиссияси раиси Раъно Мансурова, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига бўйича маслаҳатчи Сайёра Салимова ва посбонлар сардори Дилмурад Зоирвлор билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бермоқда.

– Маҳалланг ота-онанг ахоли истиқомат қиласи, шундай экан, ишлаб чиқариш жараёнлари ишлаб чиқаришни т



Бахти болалик дамлари (ЎЗА)

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академиси раиси Т.Кўзиев Президентимиз Ислом Каримов раҳманолигига юртимизда фотография санъатини янада ривожлантириш, фотоижодкорларни истиклол йилларидаги эршилган улкан марра ва ютуқларимиз акс этилган юксак бадий савиля асарлар яратишга давлат этиш, уларни ҳар жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, моддий ва маънавий рафбатлантириш юзаидан кенг кўйларни ишлар амалга оширилётганини таъкидлади. Юртимизда ташкил этилаётган турли фотокўргазмалар, фестиваллар, кўрик-танловлар фотографассомларнинг ижодини кенг жамоатчиликка танишириш, фото санъати мухлисларини бу борадаги сўнгги янгилек ва ютуқлардан боҳабар этиш-

ХАЛҚАРО ФОТОГРАФИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида «Давр билан ҳамоҳанг байрам» мавзууда фотокўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси
фоторассомлар шўъбасининг ўзига хос ижодий ҳисоботи бўлган тадбир Халқаро фотография кунига бағишлианди.

да мухим аҳамияти касб этилоғди.

Кўргазманинг ташкил этишдан асосий максад — юртимиз фотографассомларининг ижодий ишларидаги ранг-баранг шаклларни, ўзига хосликни, услубий ёндошувларни кенг тарғиб этиш-

дан ибораттирди. Кўргазмада юртимиз фотоижодкорлари томонидан тақдим этилган юздан ортиқ асарларда жонажон Ватанимиз, она табиатимиз манзаралари, истиклол йилларидаги эршилган ютуқлар, миллий

анъана ва қадриятларимиз фотография санъатининг тури жанрларида моҳирона тарзда акс этирилган. Кўргазмада намойиш этилаётган асарлар кундаклик ҳаётимиз, барчамиз учун таниш ва қадрдан бўлган манзараларга янада тера, жозибали ва беубор нигоҳ, кўтарилик кайфият билан қараш имконини беради. Мазкур кўргазмада намойиш этилаётган Рустам Шариповнинг «Менинг шаҳрим», «Курилиш», «Кулол», «Кўёш гуллари», «Олмакон», Султонбой Дехоновнинг «Гилос гуллагандага», «Ичан қалъя», «Кишлока қайтиши», Владимир Соколовнинг «Болалик», Линур Аметовнинг «Кечки Тошкент», «Шафтоли» каби фотоасарлари шулар жумласиданди.

Назоказат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон
Ногиронлар жамияти
Собир Раҳимов тумани
ва «Ёшлик» талабалар
шаҳарчаси бўлими
ташаббуси билан
худуддаги жисмонан
имконияти чекланган
инсонлар иштирокида
Чорвон оромгоҳига
экосаёҳат
уюштирилди.

Хайрия

ЧОРВОҚҖА САЁҲАТ

Экосаёҳат давомида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар хил қасалликларнинг олдини олиш, кексаларнинг меъёрий ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш масалалари бўйича давра сұхбати ўтказилди.

Ёншлар турли гурухларга бўлиниб, ақлни ҷархловчи савол-жавобларни ўтказиши. Шеър айтиб, рақсга тушиши. Баркамол авлод мавзусида семинар-тренинг ҳам уюштирилди.

20-оиласвили поликлиника шифокори Насиба Партибоева ўтқиричай юкумли қасалликлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан сұхбат ташкил этиб, саломатлик сироноатлари бўйича турли тавсиялар берди.

— Саёҳат давомида биз оромгоҳдаги дам олиш учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, турли тог ўсимликлари ва уларнинг шифобаҳш ҳусусиятларини ўргандик, — деди «Туркистон-пресс» мухбири Ногиронлар жамияти туман бўлими раҳбари Улугбек Абдуллаев. — Жисмоний имконияти чекланганларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, уларга маънавий ва моддий маддад бериш максадидаги доимий равишда хайрия тадбирларини ташкиллаштириб берамиз. 50 нафардан ортиқ имконияти чекланган қишилар экосаёҳат пайтида жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, атроф-муҳит муҳофазасига қаратилётган эътибор, сув ресурсларини тежаш, барқарор ривожланышда чучук сувнинг аҳамияти ҳусусида керакли мълумотларга эга бўлди.

Азима КИЁСОВА

Аслида ёнғинлар тасодифан содир бўлмайди. Барчага маълумки, ёз фаслида курук ўт-ўланларининг ёниши оқибатида ҳам ёнғинлар сони кўпайди.

Болаларнинг шўхлиги ёки кимнингдир беларвонлик, лоқайдиги билан ўчирмай ташланган сигарет қолдиги натижасида курук майса бир зумда алана олиши билан ўта хавфидир. Тамакининг саломатлика зарари тўғрисида тиббиётчилар кўп ва xўп гапирган. Аммо унинг моддий зарар келтиришини ҳам чекувчилар эслаб кўйиши ёмон бўлмасди. Бунга кўшимча инсонлар томонидан ортиқча, кераксиз буюмлар-

ни чикариб ташлаш, ховли-жойларни тозалаш, хонадан, кўча ва маҳаллаларда ободончилик ишлари ўтказилиши билан боғлик, шоҳ-шабба, хазонлар ва маший чиқиндиларнинг тўпланиши оқибатида кўпчилик ҳолларда улар-ни ёқиб юбориш содир бўладики, ҳаракатланувчи транспорт воситалари, хавфли технологик жарайёнлардан турли хил заҳарли моддаларни сингдириб олган хас-хашиблар, ҳар хил плёнка қолдиклари, кўхалик эҳтиёжига яроқсиз бўлган минг-бир хил буюм жиҳозларининг ёнишидан жуда кўплаб канцероген заҳарли моддалар атроф-муҳитга тарқалади. Шу заҳарли моддалар ўзимизнинг ва фарзандларимизнинг соглиғига катта зарар келтиради.

Пировардада рўй берәйтган ёнғинлар ҳали ишмизда кўп изланишлар олиб борилиши, имкониятларни қидириб топиб, жойларда ёнғин оғатини камайтириш, унинг рўй берининг олдини олиш учун тинмай ҳаракат қилиш зарурлигини тақо佐 эмоқда.

Махамаджон МАНСУРОВ,
24-ХЁҲҚ инспектори,
катта лейтенант

Қатралар

БУЛУТ ВА ТУТУН

Узун мўридан бурқсиб чикқан тутун сағома ўйиди. Нияти ҳавони булғаш эди.

— Мени ҳам сағингта ол. Сенга ўтшаб хизмат килий. Тусимиз бир, ўтшаш-ку, — ялтоқланди тегасидаги булутга.

— Ишонмайман. Тусинг менга ўтшагани билан сендан ёқимсиз ҳид келяпти, — деди булут ва шаррос ёмғирини кўйиб юборди.

ҚАҲРИНГ БОР-ДА...

— Сени ҳамидек оширияпман, тўғрими? — деди кўёш тафтидан эриётган кор ерга.

— Тўғри. Шу боис сен дехоннинг пок дилидаги оплок, орзуси — кут, баракасан. Кумуш фаслининг зийнатисан.

— Унда нечун баязилар менинг хуш

кўрмайди? — сўрайди қор.

— Нима десамийкин? — деди ийманиб қор сувини эмар экан ер. — Бемавриб ёғиб, этни чимийдиган қаҳринг — совуғинг ҳам бор-да.

ШОХ ВА АЙРИ

Шафтоли дарахтининг бир шохи ёнига караб ўса бошлади.

— Шу ахволда ўсаверсанг, вақти келиб ҳосилинг у ўқда турсин, гавдандни ҳам кўтара олмай қийналасан, — деда айри оғини ерга тираб, бошини унга тутди. Шоҳни аста тўғрилаб юқорига кўтарди.

— Мени ўйлаганинг — кўпни ўйлаганинг. Бошинг оғримасин, — кувониб яйради шоҳ. Вакт ўтиш шоҳ айрига разм солса, унинг усти буши хунун: ёмғир, корлардан ивоб корайланг чиркян пўстлоғи исикдан қовжираб, танасидан тарс-тарс

акраган. Кўз бутоғи ундан кўп. Кимнинг кўйлаги илинса бас, йиртишга кодир.

Кўрганлар шоҳга кўп қойил, суюнчка ёлчибсан, демайдими кесатиб. Шоҳ буни айрига очик айтишга юзи чидамади.

— Айрикон, раҳмат, сенга суюни, тўғри ўса бошладим. Бундан буёғига ўзимни ўзим эплайман.

— Келажаганинги ўйлаб ачинувдим да.

— Раҳмат, раҳмат...

Шафтоли ҳосили кун сайнин шираға тўлиб, шоҳни эгб борди. Шоҳ бетинч, кўркувда. Сал эсган шамолга ҳам тани зиркираб, тебранади. Шамол зўрайса, бутогидан ажраси аниқ. Кўзига жони ва суюнчидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди.

— Келақол, азизим. Сенсиз ҳолим войга тутди.

Айри ачиниб янга ёрдамга келди.

Айрига бемалол суюнган залворли шоҳнинг жони энди оромда. Нажоткорнинг меҳрибонлиги, қалби гўзалигидан унинг усти ҳам чироили кўриниб кетди шоҳга.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Аукцион савдосига юнособд тумани СИБ томонидан, ЖИБ С.Раҳимов тумани судининг 14.04.2010 йилдаги №1-193/10 ижро хужжатига асосан, Тошкент шаҳар Юнособд тумани, 2-мавзе, 7-йуда жойлашган, иккни хонали, умумий майдони 56,78 кв.м. бўлган 219-хонадон кўйилмоқда. Бошлангич бахоси — 60 706 300 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 24 август куни соат 11:00дан бўлиб ўтади.

Талабгорлар диккатига! Юқоридаги кўмас мулк 2010 йил 24 августдаги аукцион

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат кўмитаси «Республика Кўчимас мулк биржаси» ЁАЗ бошлангич бахоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога кўйилган кўчимас мулк билан туман суд ижролари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси юзасидан барча майумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олинингиз мумкин.

Савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошлангич бахосининг 10 фойзидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида икро ҳужжати раками ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ишайли банки» Сабон Ф-даги кўйидаги хисоб-ракамига тўлашлари шарт: x/r: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Коракамис кўчаси, 1-А-үй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошкармасида 02-1-рақам
билинг рўйхати олинган.

Хажми — 2 босма табоб,
офсет усулди босилади.
3840 нуска босилади.
Коғоз бигчли А-2



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ҲИҚМАТЛАР

Мард йигитнинг кўп
бўлади бардоши.

Ўн тўрт кунлик бўлмаса
ой тўлами?

Мехрсиз кўздан ҳеч ёш
келими?

Ўзга юртда султон бўлганда,

Ўз юртингда чўпон бўлиш